



06.12.2022 даги

"BUYUK IMORAT DIZAYN" MCHJ ва Наманган шаҳар ХТБ марказ ўртасида 412148382,00 сўм умумий
суммага тузилган 685-6-91-ХТ/2022 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий газна ҳисобварақ 302021860144017092100075001

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
				Жами
	4339000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь	412 148 382,00			412 148 382,00
Жами йил бўйича	412 148 382,00			412 148 382,00

Жами 412148382,00 сўм

Тўрт юз ўн икки миллион бир юз қирқ саккиз минг уч юз саксон
икки сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 123644514,60 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Тошпулатов Орифжон Абидович
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Рахимбердиев Шавкат Хасанбаевич
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« _____ » 20 _____ й.

« _____ » 20 _____ й.

Пудрат ишларини бажариш бўйича

ШАРТНОМА

№ _____

6«12»2022 yil.

685-6-91-ХТ/2022-son

Амалда Низом асосида иш кўрувчи кейинчалик «Буюртмачи» деб юритувчи Наманган шаҳар халқ таълими бўлими раҳбари в.в.б. О.Ташпулатов бир томондан амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Пудратчи» деб юритилувчи «ВУДУК ИМОРАТ ДИЗАЙН» МЧЖ номидан иш кўрувчи Ж.Неъматов, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. "Пудратчи" ўз таваккалчилигига асоланган ҳолда ўзининг (лозим деб топилганида "Буюртмачи"нинг материалларидан фойдаланган ҳолда) "Буюртмачи"нинг топшириғига асосан Наманган шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли 15-Сонли умумий ўрта таълим мактаб биносини иситиш тизимини мукамал таъмирлаш ишларини мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу шартнома шартлари бажарилишини тарафлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун-қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширадилар.

1.3. "Буюртмачи" бажарилган таъмирлаш ишларини қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА УМУМИЙ ШАРТЛАРИ.

2.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари билан тўла-тўқис таъминлайди. Лойиҳа-смета ҳужжатларини «Пудратчи» «Буюртмачи» номидан тайёрлатиш мумкин. Бу ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи»га кетган сарф-харажатларни 1 ойдан ошмаган муддатда тўла-тўқис тўлаб беради.

2.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки бажарилган ишлар далолатномасидаги Ф-2 лимитланган ва бошқа харажатлар «Буюртмачи» «Пудратчи» билан ўзаро тасдиқланган тақдим этилади.

2.3. «Пудратчи» шартномада кўрсатилган иш турларини бажариш учун ёрдамчи ташкилотлар (суподряд)ни «Буюртмачи»дан рухсат олмаган ҳолда жалб этиши мумкин. Бу ҳолда ёрдамчи ташкилот билан «Пудратчи» ўзаро тузилган шартнома асосида ҳисоб-китоб қилади.

2.4. Таъмирлаш ишларини бажариш учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га қурилиш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

2.5. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи» томонидан тасдиқланади.

2.6. Иш бажариш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларидан ташқари бажарилиши керак бўлган «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида алоҳида тузилган далолатнома асосида бажарилади.

2.7. «Буюртмачи» «Пудратчи»дан бажарилган ишларнинг миқдорини ва сифатини текшириб олади, бажарилган иш лойиҳа-смета ҳужжатларига тўғри келмаса «Пудратчи» камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Ушбу шартнома суммаси **412 148 382,00 тийин** (Тўрт юз ўн икки миллион бир юз қирқ саккиз минг уч юз саксон икки) сўм 00 тийинни ташкил этади.

3.2. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоблар суммалари пул утказиш йули билан амалга оширилади ҳамда «Буюртмачи» «Пудратчи»га бажариладиган иш бўйича олдиндан 30 фоиз тўловни амалга оширади.

3.3. Тўловларни «Пудратчи» билан «Буюртмачи» ўртасида имзоланган ҳар ой учун бажарилган ишлар далолатномаси Ф-3 асосида «Буюртмачи» томонидан 10 кун муддат ичида амалга оширилади.

3.4. "Пудратчи" ушбу шартноманинг 1.1 бандида назарда тутилган таъмирлаш ишларини календарь режасида белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. "Пудратчи"нинг мажбуриятлари:

-ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ишларнинг календарь режасида белгиланган хажмда ва муддатларда барча ишларни бажариш ҳамда "Буюртмачи"га лойиҳа ҳужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишни топшириш;

-лойиҳага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

-ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва уларни ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат бинолар иссиқлик тизимини таъмирлаш;

-ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида "Буюртмачи"ни хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

-қурилиш майдончаси ёки жойидаги техника ва ёнғин хавфсизлик ҳамда қурилиш таъмирлаш майдончасининг ёки жойининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

-лозим деб топилганида жорий таъмирлаш объектларини суғурта қилиниши таъминлаш;

-жорий таъмирлаш тугулланган объектларни қабул қилиш ва топшириш;

-агар таъмирталаб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «бюджет ташкилоти»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш;

-топшириш ва қабул қилиш далолатномаси имзоланганидан кейин 3 кунлик муддатда жорий таъмирлаш майдончасидан ёки жойидан ўзига тегишли мол-мулкни олиш кетиш.

4.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари-жорий таъмирлаш ишлар ўтказиладиган майдонча ёки жойни бўшатиб берилишини талаб қилиш;

-шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда шартноманинг 1.1 бандида назарда тутилган ишларни бажариш учун аванс тўловларини тўлаб берилишин талаб қилиш;

-"Буюртмачи" томонидан қабул қилинган бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун тўловларни амалга оширишни таълаб қилиш.

4.3. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

-жорий таъмирлаш ишларининг календарь режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда "Пудратчи"га таъмирлаш майдончаси ёки жойини топшириш;

-шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда шартноманинг

1.1 бандида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун "Пудратчи"га ҳақ тўлаш;

-"Пудратчи"нинг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб, икки ҳафта ичида жорий таъмирлаш ўтказилган объектни қабул қилиб олиш.

4.4. «Буюртмачи» ҳуқуқлари:

«Пудратчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Пудратчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртномага мувофиқ сифатли бажарилишини талаб қилиш:

- камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан туғриланишини, харажатларини қопланишини талаб қилиш;

- бажарилган ишларни баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш.

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Пудратчи»дан талаб қилиш.

Агар таъмирталаб бериш жараёнида «Пудратчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, «бюджет ташкилоти»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. Бажарилган ишлар далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Бюджет ташкилоти» муддатлар бузилган ва иш сифати қониктирмаган ҳолда бажарилан ишлар қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.5. Бажарилган ишлар бўйича бевосита «Бюджет ташкилоти»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган бажарилган ишнинг миқдори уларнинг сифати кўрсатилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Бажарилган иш сифати, миқдори «Пудратчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Пудратчи» бажарган ишнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

6.2. Агар бажарилган ишнинг сифати, шартлар талабларига ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган бажарилган иш қийматининг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Бажарилган иш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари бажарилган ишнинг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Пудратчи» «Буюртмачи»га бажариб берилмаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.4. Бажариладиган ишни кечиктирилган ёки тўлиқ бажариб берилмаган тақдирда «Пудратчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва бажариб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажариб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.5. Бажарилган иш учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Пудратчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.6. Ушбу шартномада, унинг шартларини бажарилмаслик ҳолатлари юзасидан жавобгарлик белгиланмаган бўлса, бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талаблари бўйича амалга оширилади.**

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ.

1. Ушбу шартноманинг тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди. Хусусан, ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.2. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни

ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.3. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.4. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмасликни таъминлайдилар.

7.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

8. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.

8.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув ва келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда Наманган туманлараро Иқтисодий судида ҳал этилади.

8.3. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

9.1. Ҳар иккала тараф ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганлик учун жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса;

- фаолиятни текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгиловчи ташкилотлар қарорига асосан товарларни етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

9.2. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

10. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

10.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

10.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ҳудудий ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “31” декабрга қадар амал қилади.

10.2. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

11.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

11.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади, шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Буюртмачи» Наманган шаҳар ҳалқ	«Пудратчи»
------------------------------------	------------

талими бўлими

Манзил: Б.Машраб кўчаси № 12- уй
Ш.х.в 302021860144017092100075001
СТИР 200056810 ОКОНХ 97600
Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в 23402000300100001010
Банк номи; Марказий банк Тошкент бош
бошқармаси ХККМ МФО 00014
Ғазначилик булинмаси СТИР 201122919

Раҳбар: в.в.б. _____ **О.Ташпулатов**
(лавозим) (имзо)

« BUYUK IMORAT DIZAYN »
МЧЖ

Манзил: Наманган тумани тошбулоқ катта
тошбулоқ МФЙ мустақиллик кучаси

Х/р: 20208000005108862001

Банк номи: "Ипак йўли банк" Наманган
филиали

МФО 01054 ИНН 306626537

ОКОНХ 61110

Раҳбар: _____ **Ж.Неъматов**
(лавозим) (имзо)



Раҳбар: в.в.б. _____

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	JAXONGIR LUTPILLAYEV XABIBULLAYEVICH
	Imzolangan sana	06.12.2022 14:17
	Hujjat kodi	RX7721412818
	Hulosa kodi	NL3444552383

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

NL3444552383

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Issiqlik tizimi shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Namangan shahar xalq ta'limi tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Namangan shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



X.A.Nuraliyev

05.12.2022



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BUYUK IMORAT DIZAYN" Mas'uliyatli cheklangan Jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BUYUK IMORAT DIZAYN" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.08.2019

749959

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Sollq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308828537

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyatli cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan shahri, Bahor MFY, Beshkapa 3-b berk
ko'hasi, 9A-uy,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Aselza T. Y. Yu

[Handwritten signature]

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 195395 на приобретение 15-МАКТАБ Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения)

Способ проведения электронный

Дата 30.11.2022

Время рассмотрения 30.11.2022 14:50

Закупочная комиссия Наманган шаҳар халқ таълими бўлими марказлашган хисобхона, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ABDULLAYEV AKBARALI XAMIDULLAYEVICH	Курилиш бўлими бош мутахасиси	Халқ таълими бўлими
Секретарь комиссии	XOLMIRZAYEV ABDUVOXID AXADOVICH	Курилиш бўлими мутахасиси	Халқ таълими бўлими
Член комиссии	ABDUSALOMOV ABDUSHUKUR AXMADJON O'G'LI	Курилиш бўлими Мутахасиси	Халқ таълими бўлими
Член комиссии	ERGASHBAYEV SHOXRUXJON SHUXRAT O'G'LI	Мониторинг бўлими мутахасиси	Халқ таълими бўлими
Член комиссии	KAMBAROVA NILUFAR MUXITDINOVNA	Ташхис бўлими бош мутахасиси	Халқ таълими бўлими
Член комиссии	MIRKAMILOV MADIYOR MADAMINJANOVICH	Кадр буйича мутахасис	Халқ таълими бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.11.2022 года № лота 195395.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения)
Подробное описание	15-МАКТАБ Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	412 454 423.00
Стартовая сумма	412 454 423.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (Танлов иштирокчиси реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (Танлов иштирокчиси реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида

маълумот. 7-шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO BUYUK IMORAT DIZAYN	9	7-шакл	9	Экспертная		
OOO PRIMER HOUSE DIZAYN	9	Бошка объектлар ҳақида маълумот	9	Экспертная		
STANDART МЧЖ	9	9	9	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 – шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 – шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO BUYUK IMORAT DIZAYN	9	Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш.	9	Экспертная		
OOO PRIMER HOUSE DIZAYN	9	Танлов буюртмаси	1	Экспертная		
STANDART МЧЖ	9	9	1	Экспертная		

Критерий №3 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги иш тажрибаси. 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги иш тажрибаси. 5-шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO BUYUK IMORAT DIZAYN	20	5-шакл	13.3	Экспертная		
OOO PRIMER HOUSE DIZAYN	20	Иш тажриба	6.6	Экспертная		
STANDART МЧЖ	20	20	6.6	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO BUYUK	17	2-шакл	17	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
IMORAT DIZAYN						
ООО PRIMER HOUSE DIZAYN	17	Умумий маълумотлар.	17	Экспертная		
STANDART МЧЖ	17	17	17	Экспертная		

Критерий №5 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 9-шакл.

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 9-шакл.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BUYUK IMORAT DIZAYN	9	9-шакл	9	Экспертная		
ООО PRIMER HOUSE DIZAYN	9	Курилиш майдонни кўрганлик	9	Экспертная		
STANDART МЧЖ	9	9	1	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BUYUK IMORAT DIZAYN	22	3-4-шакл	14.6	Экспертная		
ООО PRIMER HOUSE DIZAYN	22	Молиявий аҳвол	7.3	Экспертная		
STANDART МЧЖ	22	22	7.3	Экспертная		

Критерий №7 Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BUYUK IMORAT DIZAYN	15	6-шакл	15	Экспертная		
ООО PRIMER HOUSE DIZAYN	15	Машина ва механизм	7.5	Экспертная		
STANDART МЧЖ	15	15	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
STANDART МЧЖ	412 454 423.00	410 000 000.00 UZS	410 000 000.00	00.00	410 000 000.00	29.11.2022 13:47:22	10
ООО PRIMER HOUSE DIZAYN	412 454 423.00	412 380 200.00 UZS	412 380 200.00	00.00	412 380 200.00	28.11.2022 18:09:35	9.94228
ООО BUYUK IMORAT DIZAYN	412 454 423.00	412 148 382.00 UZS	412 148 382.00	00.00	412 148 382.00	28.11.2022 15:41:39	9.94787

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
STANDART МЧЖ	50.7033	10	60.7033
ООО PRIMER HOUSE DIZAYN	51.1488	9.94228	61.09108
ООО BUYUK IMORAT DIZAYN	77.436	9.94787	87.38387

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 195395 от 30.11.2022 года на приобретение 15-МАКТАБ Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения) определила победителем:

ООО BUYUK IMORAT DIZAYN
306626537

и резервный исполнитель: ООО PRIMER HOUSE DIZAYN (307608240)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDULLAYEV AKBARALI XAMIDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUSALOMOV ABDUSHUKUR AXMADJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ERGASHBAYEV SHOXRUXJON SHUXRAT O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	KAMBAROVA NILUFAR MUXITDINOVNA	Согласен	
Член комиссии	MIRKAMILOV MADIYOR MADAMINJANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 05 ” 12 2022 йил

Наманган.ш

Наманган шаҳар халқ таълими бўлими ташкилоти томонидан 2022 йил “ 30 ” Ноябрьдаги №- **22110012195395** сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича жорий таъмирлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича (“STANDART” МЧЖ, “BUYUK IMORAT DIZAYN” МЧЖ, “PRIMIER HOUSE DIZAYN” МЧЖ,)лар томонидан таклифлар берилган. Шулардан, “BUYUK IMORAT DIZAYN” МЧЖ,, нинг таклифи комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан қолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Наманган шаҳар ХТБ

буюртмачи ташкилоти мудир :



О.Ташпулатов

Наманган шаҳар ХТБ

ташкилоти бош ҳисобчиси



Ш.Раҳимбердиев

Наманган шаҳар ХТБ

қурилиш бўлими бош муҳандиси:



А.Абдуллаев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 25 » октябрь

№ПК-408

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республика ҳудудларини обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан 9 370 та маҳаллада аҳолининг турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи энг долзарб масалалар ўрганилганлиги ва ҳудудлар кесимида 2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари (кейинги ўринларда – Дастурлар) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини тизимли ва режали амалга ошириш мақсадида:

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг йиғма параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари ижросини мувофиқлаштириш юзасидан Республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) таркиби 2-иловага мувофиқ;

2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурларини амалга ошириш юзасидан **ҳудудий ишчи гуруҳлар** (кейинги ўринларда – Ҳудудий ишчи гуруҳлар) раҳбарлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ишчи гуруҳига (А.Ж.Раматов) Дастурларнинг йиғма параметрларига, зарур ҳолларда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда Дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг рўйхатларини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларида муҳокама қилиб, тасдиқласин.

4. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича **бўйртмачилар** этиб:

ички автомобиль йўллари бўйича – **Автомобиль йўллари қўмитаси** тизимидаги бўйртмачи ташкилотлар;

ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизими объектлари бўйича – **“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”** унитар корхонаси;

электр энергияси ва газ таъминоти объектлари ҳамда алоқа тармоқлари бўйича – тегишинча **“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ** ва **“Ўзбектелеком” АҚ**;

ижтимоий соҳа объектлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, ободонлаштириш ва тунги ёритиш ускуналарини ўрнатиш ишлари ва бошқа объектлар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурдаги **“Ягона бўйртмачи хизмати”** инжиниринг компаниялари ҳамда ушбу объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари бўйича – тегишли тармоқ корхоналари белгилансин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Дастурлар доирасида:

қурилиш-таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармалари орқали молиялаштирилади. Бунда, маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бюджетлараро трансфертлар сифатида ажратилади;

2022 йилда ажратилиб, йил якунига қадар ўзлаштирилмасдан қолган маблағлар Давлат бюджетига қайтарилмайди ва ушбу маблағлар 2023 йилда Дастурларда назарда тутилган объектларнинг қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш учун мақсадли йўналтирилади;

ажратилган маблағлар лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан аниқланган ишлар ҳажмини молиялаштиришга етишмаган тақдирда, қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади;

молиялаштириш учун қурилиш-таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

7. Дастурларни амалга ошириш доирасида:

бош лойиҳачи ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

бош пудратчи ташкилотлар белгиланган тартибда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали ҳамда объектларни сақлаш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари учун жалб этиладиган ташкилотлар белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқлансин;

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларга, истисно тариқасида, қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 30 фоиз миқдорида олдиндан тўлов (аванс) амалга оширишга рўхсат берилсин.

8. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Молия вазирлиги Дастурлар

келгусида, эҳтиёжга қараб, ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун қўшимча 1 триллион сўм миқдорида маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига Дастурлар доирасида ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни тизимли назорат қилиш ҳамда кредитор қарздорликлар юзага келишига йўл қўймаслик юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Белгилансинки:

туман (шаҳар) секторлари ва бошқа ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига Дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб боради;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари Дастурлар ижро этилиши ҳолатининг мунтазам муҳокама қилинишини ва масъул раҳбарларнинг тегишли ҳисоботлари эшитиб борилишини таъминлайди;

Дастурларга киритилган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича давлат қабул комиссиялари таркибига маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари киритилади ва бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳажми ва сифати бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилади.

11. Ҳудудий ишчи гуруҳлар раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда маҳаллалар кесимида алоҳида режа-жадвалларни тасдиқлаб:

ҳар ҳафта жойларга чиққан ҳолда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил қилинишини назоратга олсин, шунингдек, долзарб муаммолар ҳал этилаётганлиги юзасидан аҳолига батафсил тушунтириш ва ташвиқот ишларини ташкил этсин;

маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини, бу борада аҳолининг фикр-мулоҳазаларини тизимли ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Республика ишчи гуруҳига таклифлар киритиб борсин.

12. Республика ишчи гуруҳи (А.Ж.Раматов):

Дастурлар ижросини ва Ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин, шу жумладан ҳар бир лойиҳа (объект)нинг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш, кечикаётган лойиҳа (объект)ларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ва аниқланадиган муаммоли масалаларни тизимли ҳал этиш чораларини кўрсин;

ҳар ойда Дастурлар ижросини танқидий муҳокама қилиб, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

13. Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишлар устидан қўйидаги назорат тизими йўлга қўйилсин:

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси, Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади;

Давлат молиявий назорати инспекцияси Дастурлар доирасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан тизимли давлат молиявий назоратини амалга оширади;

Бош прокуратура жойларда Дастурларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатади;

маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари Дастурлар доирасида амалга ошириладиган ишларнинг ҳолати, сифати ва кўлами юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга жалб қилинади.

Бош прокуратура икки ҳафта муддатда мазкур қарор доирасида ҳамда ташаббусли бюджетлаштириш асосида молиялаштириладиган лойиҳалар (объектлар)ни амалга ошириш жараёнлари самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада давлат ва жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва ислохотларнинг натижаларини кенг ёритиб бориш бўйича мақолалар, мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришлар ташкил қилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилиш, унинг натижадорлигини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Рамамов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Тір	Лейше саны	Объектінің ата маңызы	2022 жыл учурінің аяғына	шұдан	Объектінің аяғына қосылған рәсімдері	Тасарылған ақпарат		Сыртқа қаратылған ақпарат	шұдан	"Объектінің аяғына қосылған ақпарат"	Туынған шұртқыма сұмасы	"Объектінің аяғына қосылған ақпарат"	Шұдан		Жылдардан берген ақпарат (15.11.2022 жыл аяғына)	КӨЗДІ
						саны	сұмасы						Лейше-санына қарасты ақпарат	Пәтерге қарасты ақпарат		
3		Наманған мақалар	1 109,0	1 109,0	3,0	3	1 109,0	1 100,0	37,3	23,2	13,0	18,0	18,0	-18,0		
1		Укуета және мақалалары	450,0	450,0	1,5	1	450,0	450,0	13,5	0,5	0,5	0,5	0,5	-0,5		
19	1	Бүгінгі күнге қарасты 15 сәуір күніне қарасты 21 мақала 300 рұқсат ақпарат қосымша ақпарат	450,0	450,0	1	1	450,0	450,0	13,5	0,5	0,5	0,5	0,5	-0,5	Бүгінгі күнге 15 мақала ақпарат қосымша ақпарат	
2		Мақалалар	650,0	650,0	2,0	2	650,0	650,0	23,8	22,7	17,5	17,5	17,5	-17,5		
20	1	Мақалалар және мақалалар ақпарат қосымша ақпарат	150,0	150,0	1	1	150,0	150,0	6,5	6,2					Бүгінгі күнге ақпарат қосымша ақпарат	
21	2	Мақалалар және мақалалар ақпарат қосымша ақпарат	500,0	500,0	1	1	500,0	500,0	18,3	17,5	17,5	17,5	17,5	-17,5	16.11.2022 жыл аяғына қарасты ақпарат қосымша ақпарат	